



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 11 декабрь, № 260 (7762)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ОНЛАЙН-САММИТИГА ДОИР

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ, жорий йилнинг 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг видеоанжуман шаклидаги учрашуви бўлиб ўтади.

Тадбир кун тартибидан Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Коронавирус инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини енгиб ўтишда яқиндан ҳамкорликни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзаро савдо ҳажмининг ошириш, транспорт алоқаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва бошқа тармоқларда кооперацияни кучайтириш ҳамда ҳудудлараро мулоқотлар,

таълим ва гуманитар аламининг фаоллаштиришга қаратилган устувор дастур ва лойиҳаларни кўриб чиқиш режалаштирилган. Учрашув чоғида икки давлат етакчилари жаҳон ва Марказий Осиёдаги вазият юзасидан фикр алмашадилар, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши самарали курашиш чора-тадбирларини муҳокама қилдилар. Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма баёнот қабул қилиниб, иқтисодиёт ва инновациялар, молиявий-техник кўмак, божхона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотлар ўтказишга доир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти, Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши раиси Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2020 йил 11 декабрь куни Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)нинг видеоанжуман шаклида ўтадиган саммитида иштирок этади.

Тадбирда ЕОИИга аъзо давлатлар — Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, шунингдек, қузатувчи мақомидаги Молдова ва таклиф этилган мамлакат сифатида Куба етакчилари ҳам қатнашади. Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоimini бериш саммит кун тартибидаги асосий масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг

ЕОИИ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаб бериши кутилмоқда. Таъкидлаш жоизки, шу йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятида қузатувчи давлат мақомида иштирок этиши тўғрисидаги таклифни маъқуллаган эди.

Ўз.А.

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Илм-фан концепцияси:

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ ИННОВАЦИЯЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Илм-фанга суянмай туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди. Айниқса, ҳозирги инновациялар асрида. Чунки бугун энг қимматбаҳо капитал — ғоя. Илғор, креатив, новаторлик ғоялари. Ҳўш, бундай ғояларнинг манбаи қаерда? Албатта, илм-фанда! Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичида қатор глобал мақсадларни ўз олдига қўйган. Уларнинг ҳар бирини йирик-йирик концепцияларда акс эттириш мумкин. Бироқ бу мақсадларни тўлақонли рўёбга чиқариш учун фундаментал тадқиқотлар зарур. Шу орқалигина янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Фармон ва ижро



Бироқ юртимизда олиб борилаётган тадқиқотларнинг ҳаммаси ҳам илм-фаннинг бугунги ривожланиш даражасига тўла мос эмас. Замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғояларни тарқатишга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтариш, илмий-тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш, замонавий инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жадал татбиқ қилишни ривожлантириш зарурати олдимизга бир қатор вазифаларни қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил

29 октябрда имзоланган "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони аини зарурат туғайли қабул қилинди. Ҳўш, шубҳи мумкин ҳужжат қандай устувор мақсадларни кўзда тутати?



Хорижлик экспертлар:

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистонни диний эркинликлар соҳасидаги "Махсус назорат рўйхати"дан чиқариш тўғрисидаги расмий баёноти халқро майдонда катта қизиқиш ва муҳокамага сабаб бўлди. Турли мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий ҳамда илмий-академик доиралари вакиллари ушбу баёнотни фаол равишда олқишлаб, унга ўз муносабатини билдирмоқда.

«Халқ сўзи» учун махсус

Азизан Бинти Бахоруддин, Малайзия Ислонни англаш институти бош директори:



— Ўзбекистоннинг АҚШ ҳукуматидаги диний эркинликлар соҳасидаги "Махсус назорат рўйхати"дан чиқарилиши сўнгги йилларда мамлакат диний эркинликлар соҳасида салмоқли ютуқларга эришганидан далолат бермоқда.

Янги Ўзбекистон тарихида нафақат сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг қўлланми ислохотлар амал-

га оширилмоқда, балки мамлакатда яшовчи турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, эътиқод эркинлиги ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистоннинг узок йиллик тарихий таърибаси диний бағрикенглик турли динлар вакилларининг тинч-осойишта ҳаёти, давлат ва жамият раванки учун муҳим омиллардан бири эканини кўрсатди. Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимида фаолият юритаётган дастлабки кунлардан бошлаб дин соҳасини либераллаштириш, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, динлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг ибодат эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш сиёсатини изчил равишда олиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг диннинг чинакам инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш бўйича ёндашуви алоҳида эъти-

борга лойиқ. Хусусан, Сурия ва Ироқдаги жанговар ҳудудлардан республика фуқаролари, жумладан, аёллар ҳамда болаларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича амалга оширилган урта махсус "Меҳр" операцияси ўзбек халқининг инсонпарварлик ғояларини намоён этди.

Мамлакатда барча миллат ва элат вакиллари диний эркинлигини таъминлаш учун яратилган зарур шароитлар Ўзбекистонда янада ривожланиши ҳамда гуллаб-яшнашига ҳисса қўишига ишончим комил.

Илгар Вализода, «Жанубий Кавказ» сиёсатшунослар клуби раҳбари (Ўзарбайжон):

— Ўзбекистон, ўзбек халқи ва расмий Тошкентнинг турли диний конфессиялар ҳамда этник гуруҳлар вакилларига муносабати билан таниш бўлган ҳар қандай киши Давлат департаментининг аввалги қарорини англашилмовчилик ёки мамлакат обрўсини туширишга интилган кучлар фаолиятининг натижаси деб билган. Аввалги қарорни бекор қилган амалдаги ҳужжатни Ўзбекистоннинг халқро майдондаги фаолияти эътирофи ва адолат тантанаси, деб ҳисоблаш мумкин. Мен Ўзбекистон ва ушбу меҳмондўст мамлакатнинг турли шаҳарларида кўп мартаба бўлганман. Ҳеч қачон оқдмий фуқаролар ёки ижро ҳокимияти



вакиллари босқам миллат ҳамда конфессия вакилларига нисбатан ноҳўш муносабатини сезмаганман. Ўзбекистонда бағрикенглик устувор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатда насроний православ епархияси, яҳудий ва бошқа дунё динларига мансуб ибодатхоналар фаолият юритади.

Ўзбек жамияти ва ҳукумати Конституция тамойилларига риоя қилган ҳолда, мамлакатда яшовчи турли диний гуруҳ вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлаётир. Шу тарзда миллий осойишталик ва тотувлик таъминланмоқда.

Ўзбекистон бошқа динларга ҳурмат кўрсатилмаётган давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мамлакатда диний конфессиялар ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва англашув тамойиллари асосида ривож топмоқда. Ўзбекистонда азалдан шундай бўлиб келган ҳамда бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки бу — ўзбек халқи табиғатида хос ғоялардир.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон — Ҳиндистон: МУСТАҲКАМ ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Учрашувда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланми ислохотлар жараёнининг бориши тўғрисида фикр алмашилди, икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истикболлари муҳокама этилди. Парламентлараро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Фракцияларда

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЎЗГАРИШЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда кўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид қиритилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Муҳокамада асосий эътибор қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, аҳамиятига қаратилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг видеоконференц-алоқа тарзидаги йиғилишида "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжат иқтисодий ночор қорхоналар ва тадбиркорлик субъектларини молиявий инкироз ҳолатидан олиб чиқиш, улар фаолиятини қайта тиклаш ҳамда соғломлаштириш маса-

ларларида амалдаги қонунчилик нормалари ва жорий тартиблар етарлича самара бермаётгани сабабли ишлаб чиқилган.

Масалан, амалдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг "банкротлик" атамаси билан номланган иқтисодий ночор қорхоналарни банкрот, деб топиш ва уларни туғатиш билан боғлиқ тушунчани англашмоқда. Аслида эса банкротликнинг соғломлаштириш таомиллари, хусусан, суд санаёси ва таъши бошқарув таомилларининг қўллангани рағбатлантирувчи самарали нормалар мавжуд эмас.



ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ҲУЖЖАТ



Президентимиз шу йилнинг 2 октябр куни Қорақалпоғистонга ташрифи давомида сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишларга танқидий баҳо бериб, мавжуд сув манбаларидан самара-

ли фойдаланиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берган эди. Қорақалпоғистон Республикасида кейинги уч йил ичида 47 минг гектардан кўп ерларнинг сув таъминоти яқ-

Акс садо

шиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 11,2 минг гектарга камайдди, 140 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелiorатив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасида 44,9 минг гектар суғо-

риладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада. 95,2 минг гектар суғориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган. Мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги эса пастлигича қолмоқда.

Қарорга мувофиқ, кейинги уч йилда республика бюджетни маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси-

да 37 та ирригация объектининг 359,2 км., 31 та мелiorация объектининг 344 км. узунлиқда қуриш, реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, туманлар ва ҳўжалиқлараро 49 та коллекторнинг 3 минг 277 километрни таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилади.



Ўзбекистон — Ҳиндистон:

МУСТАҲКАМ ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Учрашув давомида пандемия билан боғлиқ вазият ва икки мамлакатда қўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Элчи Ўзбекистон томонидан бу борада ўз вақтида қўрилган ва COVID-19 оқибатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни юқори баҳолади.

Парламент юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева таъкидлаганидек, Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги ҳақида гап кетганда, албатта, стратегик шериклик иборасини ишлатамиз. Бу бежиз эмас. Зеро, бу мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар энг юқори босқичга кўтарилганини аңглатади. Бундай руҳда ривожланаётган ҳамкорлик алоқалари, албатта, икки мамлакат учун ҳам юқори самара беради.

Маълумки, 2020 йил бутун дунёда коронавирус пандемиясининг тарқалиши Ҳиндистон билан Ўзуро савдога ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қўрилган чора-тадбирларга қарамай, ўзаро савдо кўрсаткичлари мавжуд салоҳиятга мос бўла олмади. 2019 йилда унинг ҳажми 350 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу йил 260 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг иш юртиши учун яратилган сармоявий муҳит, улкан имтиёз ва имкониятларга ҳиндистонлик ишбилармонларнинг қизиқиши катта. Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган кўплаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги иш инвестициявий ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Хусусан, Ҳиндистон томони Наманган шаҳрида йўл инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологиялари, канализация тизимини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун 1 мил-

лиард доллар миқдориди кредитни инвестиция сифатида киритишни мақсад қилган.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳуқуқий асосга эга бўлиб, у савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги қатор битим ва келишувларга асосланади. Шунингдек, бугунги кунда 2 та фундаментал ҳужжат — инвестиция битими ва преференциал савдо тўғрисидаги битим ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши транспорт соҳасидир. Шу нуктаи назардан Ҳиндистон томони Ўзбекистон учун Афғонистон орқали денгиз йўли очилишидан манфаатдор.

Томонлар давлатлараро ҳамкорликнинг амалдаги юқори даражасини мамнуният билан қайд этди ва ўзаро манфаатли йўналишлардаги яқин алоқаларни янада чуқурлаштиришда катъий эканликларини таъкидлади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик икки томонлама шерикликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири экани тилга олинди. Андижон ва Тошкент шаҳарларида Ҳиндистон олий ўқув юр்தларининг филиаллари ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ахборот технологиялари соҳасида қатор қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, IT паркида 28 та стартап, ахборот технологиялари соҳасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, ҳиндистонлик ҳамкасблар кўмағида технопарк ишга туширилди.

Учрашувда парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантириш истикболлари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Сенати ва Ҳиндис-

тон Республикаси парламенти ўртасида 2005 йилдан буён парламентлараро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Утган давр мобайнида томонлар ўртасида делегациялар ташрифлари амалга оширилди, халқаро ва бошқа қўшма тадбирлар ўтказилди.

Парламентнинг юқори ва қуйи палаталарида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари бу йўналишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда, бу эса ўзаро таъриба алмашувини фаоллаштириш ва икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди. Пандемия туғатганидан сўнг парламентларнинг юқори палаталари раҳбарлари ташрифларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Мулоқот чоғида, шунингдек, ҳамкорликнинг бошқа соҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, фармацевтика маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқариш, Ўзбекистонни рақамлаштириш, шунингдек, парламент аъзолари ва иккала палата девони ходимларининг ўзаро таъриба алмашувини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси М. Прабхат Ўзбекистонни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан табриклаб, бу мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатида муҳим босқич эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги дипломатиқ ваколатхонаси раҳбари сифатидаги фаолиятида ҳамкорликни ривожлантириш йўналишида бор салоҳиятини ишга солишга таяёрилигини билдириб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлашини қайд этди.

«Халқ сўзи».

Халқаро форум

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Кеча онлайн форматда II Халқаро рейтинглар форуми бўлиб ўтди. Унда давлатимиз ҳукумати вакиллари, тадқиқотчилар ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева кириш сўзи билан қатнашиб, Ўзбекистонда олиб борилаётган ишловларни баҳолаш тўғрисида атрафлича сўз юритди.

Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан оқимининг ва демократик кадриятларга содиқлигини намоеён этаётгани, фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Қолаверса, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекис-

тон Республикаси миллий стратегияси қабул қилинганлиги, мамлакатимиз АҚШнинг диний эркинлик бўйича "Махсус кузатувда"ги давлатлар рўйхати"дан чиқарилганига эътибор қаратилди.

Амалга оширилаётган ишловлар устидан парламент назоратини таъминлаш орқали мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш мақсадида мутлақо янги механизм жорий этилди ва парламент бошчилигида республика кенгаши ташкил этилди. Ушбу кенгаш томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда юзга келаётган муаммолар тизимли таҳлил қилинмоқда. Улар-

ни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар қўрилмоқда, ҳукумат аъзоларининг ахборотлари эшитиб боришмоқда.

Бундан ташқари, рақобат бардош саноат унумдорлиги ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун тартибга солувчи чекловлар индексларида мамлакатимиз илк мартабада эътироф этилган, бизнес юритиш, иқтисодий эркинлик, логистика самарадорлиги, мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш каби қатор рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиллангани ҳам қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон томонидан қўрилаётган иқтисодий чоралар ҳамда уларнинг халқаро рейтинг ва индексларга таъсири хусусида сўз юритилди.

«Халқ сўзи».

ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Баъзилар ҳаётда билиб-билмай, ўз қилмишининг оқибатини ўйламасдан хатога йўл қўяди. Бироқ хатоларни тан олиб, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлса, соғлом турмуш тарзига ўтшни истаса кечирилишга лойиқдир. Бундай инсонларга яна бир бор имкон берилади, улар оиласи бағрига қайтадилар. Бинобарин, улар ҳам шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароларидир.

Фикр

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан "Озолиқдан маҳрум этиш жараёнида қилинмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига қатъий бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсонпарварлик, шахсининг кадр-қимматини эъзозловчи кадриятлар

бардавом эканлигининг яна бир исботи бўлди.

Фармонга биноан содир этган жинояти учун жазони икром этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига қатъий ўтган 104 нафар фуқаро афв этилди. Бу билан мамлакатимиздаги шунча хонадонга қувонч кирди, оилалар бот бўлди. Катта ишонч билан айтганимиз, афв этилган фуқаролар тўғри йўлга қайтди, ҳаётдан тегишли сабоқни чиқарди ва ўзини хатолардан асрашни ўрганди.

Афв этилган шахсларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 50 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 17 нафарининг озолиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга тайинланган озолиқдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этди.

Айтиш мумкинки, мазкур Фармон янги тараққиёт даврида юртимизда инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги ишловларнинг давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётимизга нечоғли улкан миқёс ва кенг қўлам-

ларда таътиб этилаётганининг наватбатдаги ўзига хос кўринишидир. Зотан, жиноят учун жазо муқарарлигини аңгланга, тузулиш йўлига ўтган, давлат раҳбарига илтимоснома билан мурожаат қилган жазони икром этиш муассасаларидаги ҳар бир маҳкум индивидуал ўрганлиб, соғлиги, оилавий ҳолати чуқур таҳлил қилинмоқда. Маҳкум рўйхатдан ўтган маҳалла вакиллари тасвиқномалари ҳисобга олиниб, афв этиш ва уларни ижтимоий ҳаётга мослашиб, ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шароит яратилмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбари афв этилганларнинг ижтимоий мослашуви билан шуғулланиш ҳақида топишриқ бергани жуда муҳим. Эңдиликда уларнинг фойдали меҳнатга ҳалб этилиши, соғлом турмуш тарзини

йўлга қўйишга ҳар биримиз кўмаклашишимиз талаб этилади. Бу инсонийлик ва савобли иш орқали азал-азалдан халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, эзгулик, ҳайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг бардавом бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

Яна бир гап. Бу оқилона қадам Президентимиз Конституцияга ва қонунларга қатъий риоя этиш борасида барчамизга ўрнат қўйлаётганининг ёрқин намунасиридир. Бош қомусимизнинг 93-моддаси 23-бандида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентига сулар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш ҳуқуқи берилган. Ва бу норма бугунги кунда амалий ҳаракатда бўлиб, бир неча эзгу фармонлар орқали номбён бўлмоқда.

Умуман айтганда, Фармонни ўқиган ҳар бир киши унинг замири-

да қалб амри, давлат раҳбарининг халқимизга бўлган меҳри, ғамхўрлиги муҳассамлигини кўради. Бу, албатта, фуқароларимизнинг янада бир бутун бўлиб жипслаганишга, эртанги кунга ишончи ортишига, жамиятимизда меҳр-оқибат фазилати кучайишига ҳизмат қилади. Биз давлатимизнинг бу каби инсонпарварлик сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаймиз ва аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда меҳнатини аямиймиз. Бинобарин, эл-юрт фаровонлигига барча масъул, тинчлик-осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшиш ҳаммамизнинг вазифамиз.

Шажноза ХОЛМАҲАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, Ўза мухбири.

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЎЗГАРИШЛАР



Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Жажон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилишда тадбиркорлик муҳити жозибадорлигини оширишга ҳизмат қилишини таъкидладилар. Айни чоғда қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ййғилишида судлар мустақиллигини таъминлаш орқали одил судловга эришиш масалалари, жумладан, суд қарорларини қайта қўриб чиқиш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Жиноят-процессуал, Маъмурий суд ишларини юртиши тўғрисидаги кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳалари билан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизиди Қорақолғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ташкил этилади. Бу эса жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги тўғрисида фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга ҳизмат қилади.

Эңдиликда туман (шаҳар) маъмурий судлари негизиди туманлараро маъмурий судлари ташкил этилади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш жиноят ишлари бўйи-

ча судларга ўтказилади. Бу, ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли таъйиқларидан ҳоли ва мустақил фаолият юртишини таъминлайди. Фракция аъзоларининг қайд этишича, бундай судларни ташкил этишдан қўзланган мақсад фуқаролар ва тадбиркорларни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва қарорларидан суд орқали ҳимоялаш учун янада қулай шароит яратишдир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ййғилишида "Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта қўриш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Депутатлар қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта қўриш институти янада тақомиллаштириш, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги принциплари этилишини таъминлаш бугунги кунда судлар фаолияти ва суд жараёниларида фуқаролар норозилигига энг кўп сабаб бўлаётган омиллар эканлигини таъкидладилар. Бу амалиётнинг жорий этилиши билан суд жараёнида тарафлар ўртасида адолат қарор топишининг соғлом рақобат муҳити яратилиши таъминланади.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига суриштирув, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишларини бар-тараф этиш мақсадида, жиноий жавоб-

гарликка жалб қилинмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда суднинг ҳаракатларига тааллуқли ўзгаришлар киритиш каби ўзгариш ва қўшимчалар белгиланиши зарурлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ййғилишида Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик, Маъмурий суд ишларини юртиш, Иқтисодий процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутувчи қонун лойиҳаларида муҳим меъёрлар киритилганини қайд этдилар.

Депутатларнинг таъкидлашича, янги меъёрлар фуқароларни сарсон-саргардон қилмаслик, ойлар, йиллар давомида бир ишининг судма-суд, худудма-худуд айланма юрмаслиги, судлар ва судьяларнинг қарор қабул қилишдаги масъулияти ошиши нуктаи назаридан муҳимдир.

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳалари билан одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ишлов қилиниб, назорат тартибиди иш юртиш институти бекор қилиш назарда тутилган.

Депутатлар судлов тизимига жорий этилаётган дунёдаги илгор ва замонавий институтилар, аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимояси қафоллатларини қучайтиришга, шунга мувофиқ равишда прокурор институтининг таъсирини халқаро меъёрлар асосида камайтиришга эришилишини алоҳида таъкидладилар. Бу таъмийл ҳажият, айниқса, кам даромадли, ихтимо-

ий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, яъни ХДП электорати манфаатлари муҳофазасида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййғилишида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси соҳадаги муносабатларни бошқаришнинг ягона механизмини яратиш, жумладан, суғурта соҳалари, синфлари ва турларини аниқлаш, суғурта бозорини тартибга солиш, суғурта ташкилотларини лицензиялаш, тартибга солиш ва тутатиш хусусиятларини белгилашга, суғурта брокерлари, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта бозориди фаолият юртишлари учун шароитлар яратишга қаратилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича бир қатор тақлифларни илгари сурдилар. Қайд этилганидек, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Фракциялар томонидан ййғилишларда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МДХ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЙЙГИЛИШИ

10 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги раислиги доирасида тузилмага аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазири кенгашининг навбатдаги ййғилиши видеоқонференция шаклида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулғазиз Комилов раислигида ўтган мажлисда Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозғистон ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарлари ҳамда МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия қотиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари МДХ доирасидаги ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашди, шунингдек, қатор ташқилий масалаларни муҳокама қилди.

А.Комилов Ўзбекистон Республикасининг МДХдаги раислиги доирасида эришилган ижобий натижаларга тўхталаркан, режалаштирилган даярли барча тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани, аъзо давлатлар ҳамкорлиги, тузилма фаолияти кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ янги йўналишларни белгилла берадиган ҳужжатлар имзоланганини таъкидлади. Жумладан, МДХни янада ривожлантириш концепцияси янгилангани, Ҳамдўстлиқнинг 2030 йилгача Иқтисодий тараққиёт стратегияси, ҳарбий ва чегара ҳамкорлиги, инновация, транспорт, маданият, спорт, туризм ҳамда ёшлар бўйича 9 та дастурий ҳужжат қабул қилингани алоҳида қайд этилди.

Ййғилиш қатнашчилари эътиборига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафелитида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқиш ташаббусининг аҳамияти ҳақида маълумот берилди. Мазкур тақлиф инқирозларга биргаликда жавоб қайтариш бўйича ишончли тизимни жорий этиш учун концептуал ва ҳуқуқий асос яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, дунёда пандемия ва бошқа умумбашари таҳдидлар билан боғлиқ жараён кечаётган бир даврда Ҳамдўстлик аъзо давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, мамлакатлар ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ййғилиш якунида ҳамкорликнинг турли соҳаларида 12 та қарор ва ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, МДХ доирасида 2021 йилда Ташқи ишлар вазириларга ўртасидаги кўп босқичли маслаҳатлашув режаси тасдиқланди, Тузилма Ижроия қўмитасидаги квотали лавозимлар келаси уч йил учун аъзо давлатлар ўртасида тақсимланиши келишиб олинди.

МДХ Ташқи ишлар вазири кенгашининг навбатдаги ййғилишини 2021 йил апрель ойда Россия Федерациясида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Муносабат

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Яқинда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллик байрамини барча ҳабадаги улкан натижалар билан қутиб олдик. Президентимиз халқимизга йўллаган табригида ушбу ютуқларимиз ҳусусида тўхталаркан, қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси ва одамларимиз дунёқарашини бутунлай ўзгарганини ҳамда юртдошларимиз Ватанимиз тараққиёти йўлида фаоллик билан меҳнат қилаётганлигини ва буларнинг барчасида Бош қомусимиз ҳаётбахш манба вазифасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаган.

Конституциямизда ижтимоий муносабатларнигина мустақамлаш билан чекланмай, келажак учун зарур мақсад ва вазибалар ҳам белгилаб қўйилган. Асосий қомусимиз қабул қилингандан бугунга қадар 28 йил ўтди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ва шу асосда ривожланиб бормоқда.

2017 йилдан бошланган янги ислохотлар натижасида Конституцияга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Боси ҳаёт тараққий этиб, жамият ва инсон манфаатлари тақомиллашиб бор экан, янги ижтимоий муносабатлар, жиддий ўзгаришлар амалга ошаверилади.

Хусусан, 2017 йил 6 апрелдаги Қонун билан конституциянинг суд ҳокимиятига тааллуқли нормаларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра суд тизими ихтисослаштирилди, Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унга конституциявий орган мақоми берилди.

Ислохотларнинг асосий мазмуни, аввало, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахсининг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Албатта, бу қоидалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинаяк мустақиллиги, уларнинг адолатли фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунинг учун маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Судларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари муҳамадасидан ўтказилмоқда.

Суднинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очкичлик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратилди. Ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан яқиний қарор чиқариш кафолатлари мустақамланди.

Шунингдек, тергов сифати яхшиланиб, терговчилар

Мирзаюсуф РУСТАМБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Ҳарбий-техника институти
бошлиги, полковник.

Бир маҳаллада ўнлаб иссиқхона

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида бандлиги таъминланмаган фуқаролар сони айни пайтда қарийб 7 минг нафарни ташкил этади. Шу боис уларни ишли қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бандлик

Жумладан, имконият доирасида қарийб 2 миллиард сўм эвазига 344 нафар фуқарога ихчам ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар куриб берилди. Масалан, Кўрпа маҳалласида ишсиз фуқаролар учун уч гектар майдонда ихчам иссиқхоналар курилиб, фойдаланишга берилди. Уларнинг бир сотихи

субсидия ва яна шунча майдони кредит ҳисобидан ажратилди.

Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, туманда яна 815 та иссиқхона куриш режалаштирилган. Шунингдек, томорқасида иссиқхона ташкил этиш мақсадида ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларга ҳам ихчам

КЕКСАЛАРГА ҒАМҲЎРЛИК ҚИЛИШ, УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — ДОИМО ЭЪТИБОРДА

БУ БОРАДА “КЕКСАЛАР УЧУН ТУРИЗМ ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Ҳаётини тажрибага эга, турмуш синовларида тобланган, кўпни кўрган ёши улуг инсонлар, кекса ва нурунийларнинг пурмаъно ўғитлари, панд-насихатлари ёш авлод тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга. Инсон боласининг етук ва баркамол шахс бўлиб камолга етиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, халқи, Ватани учун ҳар томонлама фойдали инсон бўлиб улғайишида ҳам дуоғўй, эзгу ниятли нурунийларнинг кўмаги ва маслаҳатлари алоҳида ўрин тутади.

Эъзоз

Эътиборлиси, сўнгги йилларда бу каби бетакорор урф-одат ва қадриятларимиз, эзгу аъналаримиз янада сайқал топиб, мамлакатимизда кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражасини яхшилаш, саломатликларини асраш, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ёши улуг инсонлар, кекса отахону онахонларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик, нурунийларнинг ҳаёт тарзи ва турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилаётган эътибор, бу борада қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар сўзсиз кекса авлод вакилларининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва иш-тироқини янда мустақамламмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳмадасининг 2020 йил 28 майдаги “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Ёъни ушбу қарор кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш, нурунийларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларга бериллаётган ижтимоий, тиббий ва маънавий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш йўналишдаги ишларни ривожлантиришда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳужжатда ҳар йили ноябрь ойида “Кексалар учун туризм ойлиги”ни ўтказиш белгиланган бўлиб, бу йил мазкур ойлик илк бор мамлакатимиз бўйлаб юксак савияда ташкил этилди.

Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан I гуруҳ ногиронлиги бўлган саёҳат қилувчи кексалар рўйхати шакллантирилиб, мазкур ойлиқнинг аҳамиятини нурунийлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

“Кексалар учун туризм ойлиги”га жами 56 минг 228 отахон ва онахонлар қамраб олиниб, шундан 10 минг 151 нафарини кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож нурунийлар ташкил этди. Шу билан бирга, 1 минг 22 нафар ёши улуг кексаларимизнинг мустақил равишда ўз маблаглари ҳисобига оила аъзолари билан юртимиз қадамжолари бўйлаб саёҳат қилиш амалга оширилиб, уларга белгиланган имтиёзларни қўллаш бўйича тегишли қорхоналарга маълумотлар тақдим этилди.

Ойлиқни муносиб тарзда ўтказиш, кекса саёҳатчиларнинг дам олишларини мароқли ташкил этиш, бу орқали ички туризмни ривожлантириш ҳамда бугунги падемия шароитидан келиб чиқиб, саёҳат даврида нурунийларнинг саломатлигини муҳофиза қилиш мақсадида республикамиздаги 212 та меҳмонхона ва меҳмон уйи

хизматлари учун 50 фоизгача, 114 та умумий овқатланиш жойларидаги хизматлар учун эса 20 фоизгача ихтиёрий чегирмалар жорий этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурдаги “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд,

Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Навоий вилоятларидаги 14 та зиёратгоҳга нафақа ва кекса ёшдаги фуқаролар учун кириш бепул этиб белгиланди. Мадааният вазирлиги томонидан эса Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги 49 та маданий мерос объектига кириш учун чегирмалар жорий этилди. Шу билан бирга, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 14 та ҳудуд бўйича зиёратгоҳлар ва қадимжоларни ўзаро боғлаган ички туризм саёҳат дастурлари ишлаб чиқилиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан барча фуқаролар йиғинларидаги фаолларни кенг жалб этиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Айтиш мумкинки, бу саъй-ҳаракатлар мазкур ойлиқни юқори савияда ташкил этиш, саёҳатга борган кексаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши ва ушбу зиёрат тадбирларидан маънавий ҳамда руҳий озуқа олишини таъминлашга хизмат қилди.

Маълумки, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Республика “Нуруний” жамғармаси

томонидан бугунги кунда кекса ва фахрийлар билан иш самарадорлигини ошириш мақсадида йирик ташкилот ҳамда вазирликлар қошидаги Фахрийлар кенгашлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Эътиборлиси, республика вазирлик ва идоралари Фахрийлар кенгашлари

“Кексалар учун туризм ойлиги”га жами 56 минг 228 отахон ва онахонлар қамраб олиниб, шундан 10 минг 151 нафарини кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож нурунийлар ташкил этди. Шу билан бирга, 1 минг 22 нафар ёши улуг кексаларимизнинг мустақил равишда ўз маблаглари ҳисобига оила аъзолари билан юртимиз қадамжолари бўйлаб саёҳатлари амалга оширилиб, уларга белгиланган имтиёзларни қўллаш бўйича тегишли қорхоналарга маълумотлар тақдим этилди.

фаолиятини мувофиқлаштирувчи Маслаҳат кенгаши йиғилиши қарори билан “Кексалар учун туризм ойлиги” доирасида бир қатор вазирлик ва идоралар фахрийларининг қўшма тадбири ташкил этилиб, уларнинг “Ғалаба боғи” ва “Шон-шухрат” музейига саёҳатлари ташкиллаштирилди.

Айниқса, коронавирус пандемияси кекса ёшдаги инсонлар саломатлигига жиддий ҳавф туғдиришини инобатга олиб, “Кексалар учун туризм ойлиги”да саёҳатга борган нурунийларнинг, аввало, саломатликларини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ташкил этилган барча саёҳатлар, белгиланган лойиҳа ва тадбирлар юртимизда ўрнатилган карантин талабларига ҳамда шифокор мутахассисларнинг



кўрсатмаларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу ойликда иштирок этган кексаларга лозим бўлганда шифокорлар томонидан зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, туризм ойлиги доирасида “Ҳар куни 5 минг қадам” шиори остида пиёда юриш марафонлари ўтказилиб, минглаб кексалар соғломлаштирилди.

Мухсатар айтганда, бу йил мамлакатимиз бўйлаб илк бор ўтказилган “Кексалар учун туризм ойлиги” кекса авлод вакилларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги босқичга чиққанининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Содиқжон ТУРДИЕВ,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг бошқармаси
“Нуруний” жамғармаси
республика бошқаруви раиси,
сенатор.

Анжуман

Хабарингиз бор, шу йил 11 ноябрда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи бўлиб ўтган ҳамда Президентимиз тадбир иштирокчиларига юртимиз тарихида илк бор табрик йўллаган эди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАСЪУЛИЯТИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ ОШДИ

Табриқда коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида халқимизни ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини қўллаб-қувватлашда касаба уюшмалари, унинг барча тармоқлари томонидан катта ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилди ва ундан ҳам қувонарлиси, 11 ноябрь санаси “Касаба уюшмалари ҳодимлари кунини” деб эълон қилинди.

Шунингдек, тадбирда Янги Ўзбекистоннинг бунёд этилишида, унинг тараққиётида, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ролини кучайтириш, касаба уюшмалари академиясини ташкил этиш, фаолиятимизга доир низомига ўзгартиришлар киритиш қўрултойи ишнинг мазмун-моҳиятини янада бойитди.

Айни пайтда жойларда анжуманлар ўтказилиб, уларда Президентининг табриги ва ундан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қурултойда тасдиқланган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегия йўналишлари, аниқ тахир-

даги Устави, қурултой делегатларининг мамлакатимиз халқи, ишчи-меҳнатқашлар, касаба уюшмалари ташкилотлари ва ижтимоий шерикларга мурожаати мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳусусида сўз юритилмоқда.

Яқинда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатида меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бел боғлаган ташкилот сифатида майдонга чиққан касаба уюшмалари зиммасига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ масъулият юкланаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, мамлакат касаба уюшмаларининг ҳар бир аъзоси “Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари” шиори остида жишласиб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида янада кўпроқ фаоллик кўрсатишлари талаб этилади.

Дилафрўз ҲОЗОВА,
Навобий вилояти
касаба уюшмалари
ташкilotлари бирлашмаси
кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси.

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Республика инкассация хизмати” давлат унитар қорхонаси билан 2019 йил 21 октябрда тузилган 246/2019-12-сонли шартномага асосан <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги

электрон савдо майдончасида 2020 йилнинг 22 декабрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига “Республика инкассация хизмати” ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«Captive-2 (3,0) LTZ»	2015	01 161 QDA	0372402
2.	«Chevrolet Orlando LS»	2015	01 164 QDA	0372406
3.	«Chevrolet Orlando LS»	2015	01 196 QDA	0372405
4.	«Chevrolet Orlando LT»	2015	01 210 QDA	0372404
5.	«Chevrolet Orlando LT»	2015	01 215 QDA	0372403
6.	«Lacetti»	2010	01 068 TCA	0372407
7.	«Nexia»	2008	01 710 EAA	0372408

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тикланиш кўчаси, 19-«А» уйда жойлашган автохўжалик ҳудуди.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш — “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди! Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги Реплама
бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Илм-фан концепцияси:

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ ИННОВАЦИЯЛАР БЕЛГИЛАЙДИ



Ўн йилда қандай ўзгарамиз?

Янги Концепция — ўрта ва узок муддатли истиқбол учун мўлжалланган, илм-фани тараққий эттиришнинг стратегик мақсадлари, вазибалари, устуворликлари ва босқичларини белгилаб берувчи дастуриламал ҳужжат. У миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технология форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устуликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтиришга қаратилган.

Қолаверса, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестициялар йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилашни кўзда тутди. Иқтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқро микёсда илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш вазибалари ҳам ушбу Концепциядан ҳай олган. Шунингдек, у "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида" ги ҳамда "Инновацион фаолият тўғрисида" ги қонунларимиз ижросини таъминлашга йўналтирилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хужжат нималарни ўз ичига олган?

Аввало, илм-фани ривожлантириш зарурати, унинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммоларни қамраб олган. Бинобарин, унда илм-фан равнақининг устувор йўналишларини амалга ошириш механизмлари акс этган. Илм-фан соҳасида бошқарув, илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимларини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш ҳам бу муҳим ҳужжатнинг таркибий қисми. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш, илм-фани ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш масалалари ҳам қамраб олинган. Шу билан бирга, Концепция илм-фан тараққиётига қўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантиришни кўзда тутди.

Ўқитишнинг янгича усули

Қай бир соҳада бўлмасин, муваффақият учун, аввало, имконият зарур.

Мустаҳкам база эса биринчи галда қизиқишга, кейин интилишга ва сўнгги босқичда натижага сабаб бўлади.

Тошкент давлат стоматология институтида ҳам илм-фани ривожлантириш учун пухта пойдевор яратилган. Бу йўналишда инновацион услуларининг самараси катта бўлмоқда. Ҳар ҳолда дастлабки натижалар ёмон эмас. 2019 йили эълон қилинган Олий таълим муассасалари миллий рейтингда олий таълим даргоҳи табибий институтлари ичида 1-ўринини, барча университет ва институтлар ўртасида эса 8-ўринини эгаллади.

Бу ерда талабалар амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш учун виртуал симуляцион залдан фойдаланади. Замонавий стоматологик фантом-муляжлар билан жиҳозланган тўртта фантом зали мавжуд. Табиийки, эгаланган билимини фақат жонсиз қурилмалардагина синаш билан яхши шифокор-мутахассис бўлиш мушкул. Шу боис талабаларнинг беморлар билан мушкул мулоқот қилишлари учун бу ерда талабалар поликлиникаси ишлаб турибди.

Бўлажак стоматологлар фақат ўз соҳаси сир-асрорларини ўрганиш билангина чекланиб қолмайдилар. Шу мақсадда барча таълим йўналишларида ҳар бир курсда 1-2 тадан чет тили гуруҳлари (жами 9 та) ташкил этилган бўлиб, уларда ўқув машғулотлари инглиз тилида олиб борилади.

Инновацион ўқитиш услуби институтда кенг оммалашган. Ўқув режаларидаги мавжуд фанлар бўйича 2 та инновацион электрон дарслик ишлаб чиқилгани бунга яққол мисол. Қолаверса, Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда "Biopack Students Lab" номли физиология фани бўйича амалий ўргатувчи дастурий таъминот яратилган. Анатомиа, ОЖТА ва хирургия фанлари "Пирогов анатомик столи" дан фойдаланган ҳолда ўқитиляпти. Фундаментал фанлар бўйича махсус дастурда ишлайдиган QR-кодли ўқув адабиётлари мавжуд.

Ўз навбатида, институтда ўқув адабиётлари тўлиқ электрон шаклга айлантирилган. Талабалар қатор халқаро электрон таълим базаларига бепул кириш имкониятига эга.

Хорижий ҳамкорлар билан 82 та шартнома ва меморандум имзолан-



ган. Бу эса институт фаолиятини илгор тажрибалар асосида йўлга қўйишда қўл келаётир. Жумладан, 2019 йилда муассасанинг 154 нафар профессор-ўқитувчиси хорижда малака оширди. 56 нафар чет эллик ўқитувчи институтнинг таълим жараёнида иштирок этиб, маъруза, семинар ва маҳорат дарслари ўтди.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда илмий тадқиқот ва изланишлар изчиллиги таъминланган. Ўтган йили жами 29 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Уларнинг натижасида 54 та услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб, вилоятлардаги поликлиникалар, шаҳар шифохоналари, хусусий клиникалар ва бошқа табибий муассасалари фаолиятига татбиқ этилди. Ўтган йил сарҳисобиға кўра, институт профессор-ўқитувчилари томонидан 14 та монография, 17 та патент, 6 та муаллифлик гувоҳномаси, 300 та илмий мақола, 13 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 700 та тезис яратилди.

Жорий йил якунида бундай муваффақиятлар салмоғи янада кўп бўлиши кўтилмоқда.

Илмий тадқиқотлар учун платформа

Илм-фан амалиёт билан уйғунлашсагина, самара беради. Шу билан бирга, илмий изланиш ва тадқиқотлар натижаларини оммалаштиришда ҳам гап кўп. Қолаверса, дунёдаги илгор тажрибалардан нафақат хабардор бўлиб бориш, балки уларни пухта ўрганиш ҳам — муҳим эҳтиёж. Бунинг учун эса катта

платформа керак. Айни шу омилар Тошкент давлат стоматология институт томонидан "Medicine and innovations" номли илмий-амалий журнал таъсис этилишига асос бўлди.

Нашр 2019 йилнинг 11 апрелида ТошДСИ ва JAMK университети ўртасида тузилган меморандум асосида ташкил этилди. Унда таълим ва илмий-амалий муассасалар докторантлари ҳамда мустақил изланувчиларининг илмий изланишлари натижаларига доир ҳамда табибёт соҳаси олимларининг минтақа ва жаҳондаги долзарб муаммолар тадқиқи ва таҳлилга бағишланган илмий мақолалари мунтазда бериб борилади.

"Medicine and innovations" республикамикимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи профессорлари, жумладан, Финляндия, АКШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия каби хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда фаолият юретида. Келгусида нашрининг "Scopus", "Web of science", "РИНЦ" ва бошқа халқаро базаларга киришини таъминлаш ва нуфузини янада ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, журнал чет эллик соҳа вакиллари билан табибнинг турли йўналишларида яратилаётган инновациялар бўйича билим ва тажриба алмашшини назарда тутди.

Ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмун ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди. Ушбу ҳаётий ҳақиқат жорий йил 30 октябрь куни Президентимиз раислигида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилди. Зеро, Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилаётган экан, бу ислохотлар ўз натижаларини бериши учун муносиб ҳисса қўйишимиз шарт. Шундагина 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳал қилувчи аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

Нодиржон ҲАЙДАРОВ,
Тошкент давлат стоматология институти ректори,
табибёт фанлари доктори,
профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР



ХОНАДОНЛАРДА — МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Ҳаётда шундай аёллар борки, улар фарзанд тарбияси, рўзгор юмушларини адо этиш асносида томоғасидан яхшигина даромад олишнинг ҳам уддасидан чиқади. Ана шундай аёллар тадбиркорлигини ёш оилаларга ибрат сифатида кўрсатишнинг аҳамияти жуда катта.

Нишон туманидаги "Кимёгарлар" маҳалла фуқаролар йиғинида ишсиз, ҳунарсиз хотин-қизлар учун ўтказилган маҳорат дарсларидан қўзланган мақсад ҳам ишбилармонлиқни кенг ёйиш, "Устоз — шогирд" аъёналари бардавтомлигини таъминлашга қаратилди.

Иштирокчилар Озода Холмонова хонадонига кириб бораркан, орасталик ва озодаларни кўриб, диллари яй-бўлмайди, — дейди Наргиза раб кетди. Аёлнинг қандайлиги хонадонга қадам қўйган заҳоти сезилиди-да. Икки сотих томонрақдаги 20 тип лимон ҳосили мўлғилигидан шохини синдиргудек...

О. Холмонова ўз тажрибаси ҳақида ёш оила вакилларига сўзлаб берди. Қарангки, иссиқхонадан ташқари чорвачилик, паррандачиликдан ҳам яхшигина даромад оли-наётган экан. Топганлари эса тўйларга, яхши кунларга ишлатилаётир.

Шу маҳаллалик Наргиза Чориевани эса том маънода

"қўлигил гулчи" дейиш мумкин. Чунки меҳнаткаш, тадбирли бу аёлни нафақат маҳаллада ёки туманда, балки вилоятда ҳам яхши билишди.

Хонадондаги иссиқхонада 5 минг тупдан зиёд юз хил гул қўчатлари парваришланмоқда. Айниқса, лола, райхон, герань, кактус, алёо, хитой атиргули, каланхоэ каби гулларнинг харидори жуда кўп.

— Гул ўстиришнинг ўзи бўлмайди, — дейди Наргиза Чориева. — Гуллар сўзлаша ол-маса-да, меҳрини, эътиборни, ширин сўзни ҳис қилади. Бу эса менга заъв бағишлайди.

Бинобарин, "Кимёгарлар" МФЙ раиси Гўлсум Хуррамова айтганидек, ташкил этилаётган ана шундай маҳорат дарслари уйда ишсиз ўтирган, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"-га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ОЙИМ ҚИШЛОҒИДА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Жалақудуқ туманидаги Ойим қишлоғи аҳолиси табибий кўрик ва маслаҳат олиш учун 20 километр олисдаги туман марказига, кўп тармоқли марказий поликлиникага қатнаб юриш заруратидан халос бўлди. Бойси кун-кеча бу ерда икки қаватли оилавий поликлиника биноси фойдаланишга топширилди.



— Табибий маданият аслида ҳам мана шундай чекка қишлоқлардан бошланиши керак, — дейди меҳнат фахрийси Одилжон Олимов. — Қаердаки замонавий шароит бор экан, ўша жойда табибий малака ҳам, билим ҳам шаклланади. Ушбу муассаса мавжуд имкониятлар билан бу талабаларга тўла жавоб беради — у зарур жиҳоз, табибий ускуна ва бошқа текширув аппарат-

лари билан жиҳозланган. "Милано бизнес сервис" МЧЖ томонидан умумий қиймати 7 миллиард 100 миллион сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилган табибий масканда профилактика хизмати, табибий қўрилма сифатли ташкил этиш, лаборатория таҳлиллари ўтказиш, беморларга ишончли ва тезкор табибий ёрдам кўрсатиш учун барча шароит муҳайё.

ЯНГИ ЛОЙИҲА НАТИЖАСИДА...

Олтинқўл туманидаги "Biostandart" хусусий корхонаси томонидан янги лойиҳага асос солинди. Натижада 40 турдаги табибёт дори-дармонлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.



— Бу каби корхоналар нафақат мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади, балки аҳоли саломатлигини асрашда ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди туман ҳокими Иқболжон Матрузиев. — Шу боис тадбиркорларга фаолиятини яна-

да ривожлантириши учун барча шароитни яратиб берамиз. Эътиборлиси, 4 миллиард сўм қийматидаги ушбу янги лойиҳа билан 40 та янги иш ўрни яратилди.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

«ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУННИ БУЗГАНГА

Тил инсониятга берилган энг буюк неъматлардан бири. Миллат, жамият тараққиёти, тарих жараёнлари, энг аввал, тилда акс этади. Унда халқ ҳаёти, миллий мафкура ифодаланади, рўёбга чиқади. Тил — инсон фаолиятини бошқариб турувчи муҳим восита, демак, у халқнинг маънавий мулкидир.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий маданияти, тили, урф-одатлари, қадриятлари мавжуд. Миллатнинг қандай миллат эканлиги эса унинг ўз она тилида намоён бўлади.

Долзарб мавзу

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил тўлди. Бу давр ичида тилимиз бўкилган қаддини яна тиклаб олди, унда битилган нодир асарлар нашр қилинди, тилимиз дунёга буй чўза бошлади. Энг асосийси, қордошларимизда ўзбек тилида гапириш, мустақил фикрлаш ва бундан фохрланиш туйғуси — дахлдорлик шаклланди.

Ҳар бир мустақил мамлакат ўзининг давлат тилига эга экан, шу тил равнақи учун курашиши табиий. Чунки тилининг давлат тили мақомида бўлиши шу давлатнинг мустақиллигини кўрсатуви муҳим шарт ва талабларидан бири.

Давлат тили — давлатнинг ўз фуқаролари билан гаплашадиган расмий тилидир. Давлат тилида жамият соҳаларида иш юритиш фаолияти олиб борилади, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тайёрланади. Ўтган йиллар ичида ўзбек тилининг давлат тили сифатида баркарорлашуви, хизмат доирасига кўра кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу, албатта, ихобий ҳол. Шу билан бирга, она тилимизга айрим фуқароларда беписанд муносабат кўзга ташланаётгани ҳам бор гап.

"Давлат тили ҳақида" ги Қонунни ҳалғича ҳаётимизга тўлиқ жорий этолмапмиз. Нега? Бунинг сабаблари талайгина. Улардан бири ушбу Қонунни бузганга амалда ҳеч қандай жора йўқлигидир. "Давлат тили ҳақида" ги Қонуннинг 10-моддасида шундай дейилади: "Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилиди". Ҳўш, юритилимаса-чи, бунга қандай жазо ёки жавобгарлик белгиланган? Назаримизда, бугун давлат тили ўз ҳимоясига олиши керак, бу борада унинг ўзи халққа ўрناк бўлиши лозим.

Мамлакатимизда хорижий тилларга эътибор кўнаиб боргани сайин одамлар ўз тили қолиб, бошқа тилларни ўрганишга киришиб кетдилар шекилли, қаерга борманг, ажнабий сўзларни эшитишга қўлогимиз, имло қоидаларига бўйсунмаган ёки чет тилда ёзилган ёзувларга кўзимиз қўнишиб қолди. Жамоат ҳойлари, бию ва иншоотлар, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлариға жойлаштирилган айрим реклама воситаларида ҳали-ҳамон қўллаб имло ва услубий хатолар учраётганлигиға гувоҳ бўлиш мумкин.

Ҳар куни кўчаға чиқар эканмиз, янгидан-янги бунёд этилаётган бинолар, боғ ҳамда хиёбонлар инсонға ҳуш кайфият бағишлайди. Ана шундай пайтларда бир нарсга кўнгилни гаш қилади. У ҳам бўлса, хорижий тилда ёзилган пешлавҳа, реклама, эълонлар ва бу ёзувлардаги лисоний хатолардир.

Қундан-қун замонавийлашиб, чирой очиб бораётган қўчаларда тўғри ёзилган ўзбекча матнларни учратиш мушкул бўлиб қолди. "Давлат тили ҳақида" ги "Реклама тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган талаблар бузилаётганлигининг гувоҳи бўлиш эса нақадар аянчли. Ва ҳақли савол туғилади: реклама ҳамда эълонларда учраб турадиган қўпол имло хатолари учун қим жавобгор? Реклама берувчимиз ёки реклама агентлиги?

Мисол учун, кўча-қўйда (имлони фарқламаслик) "Anteka", "Cavdo dukoni", (ўзбек тили ва бошқа тилларнинг ара-

лашувидан ҳосил бўлган) "Қурилиш товарлари", "Обув дўкони" каби ёзувларға гувоҳ бўласиз. Ачинарлиси шуки, бошқа тилларда қўйилаётган айрим номлар таржима қилинганда миллий қадриятлар ва маънавиятимизга зид маънодаги сўзлар келиб чиқади. Бу эса аҳоли орасида саводсизлар сонининг кўпайишиға замин яратмоқда. Шунингдек, қўчалардаги эълонларда "Буҳара шашликлари", "Самса с мясом, с картошкой", "Сомса № 1" каби сўзлар катта харф-букида ёзилганини учратиш мумкин. Ҳол-буки, бу на она тилимизда ва на рус тилида тўғри ёзилган. Қолаверса, жуда кўп жойларда янги ташкил этилаётган корхона, ташкилот, ошона ёки ишлаб чиқариш ҳудудлари пештоқлариға "Скоро открытие", "Мы открылись", деб ёзиб қўйилади. Шунинг ўрниға "Биз иш фаолиятиимизни бошладик" ёки "Биз ишга тушдик" каби жумлалар ёзилса ҳам бўлади-ку!

Бу каби палапартиш ва хато ёзувлардан истоганча мисол келтириш мумкин. Масалан, улғурчи савдо дўконларининг пештоқига "оп-том" деб ёзиб қўйилган. Агар ўша ёзувлар ўзбек тилида ёзилса, шу дўкон ёхўд ошонаға ҳеч қим қирмай қўядими? Савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи савдо дўконлари, умумий овқатланиш жойларида ҳамда уларнинг интернет сайтларида "распродажа", "скидка",

"доставка" каби сўзларни ҳам кўп учратиш мумкин. Ваҳоланки, ўзбек тилида ушбу сўзларнинг "чегирма", "ётказиб бериш", "арзон нархда" каби муқобиллари мавжуд.

Рекламалардаги имловий, услубий хатолар савдо-сотик, аҳолиға турли хизматлари кўрсатуви, умумий овқатланиш, тўйхона каби объектларда кўп кузатилади. Энг ачинарлиси, уларнинг қўчилиги европача номлар билан аталган. Майли, хорижий тилда ҳам бўлгани яхши, аммо, аввало, ўзбек тилида, сўнг унинг ёнида бошқа тилда бўлиши мақсадға мувофиқ эмасми?!

Устиға-устак тижорат мазмунидаги реклама ва эълонлардаги хато матнларни ўқиб, дилингиз ҳуфтон бўлади. Уларнинг ўзбекчада берилган таржималарида услубий хатолар фик-ғиж. Лингвистика талабига кўра, бирор-бир тилда бошқа тилдан сўз ёки сўз бирикмаси ўзлаштирилса, бунда ўша сўз ёки фикрнинг оригиналдаги маъносини диққат-эътиборда бўлмоғи лозим. Мазмунға эътибор бермаслик, сўз мавқеига салбий таъсир қилиши мумкин. Сўз ўзлаштириш талаби ҳар бир миллат тили учун муҳим ҳисобланиб, бунда адабий тилининг барча жиҳати кўзда тутилиши шарт. Акс ҳолда, сунъийликка, нозаниқликка йўл қўйилади. Натижада сўзнинг қиймати, мазмун-моҳияти йўқолади. Афсуски, бузди ҳил хил таржимачилик амалиётига тез-тез учрайди.

Тўғридан-тўғри, сўзма-сўз қилинган таржима мантикий хатolikларни келтириб чиқаради. Жуда кўп ўринларда Қонуннинг 20-моддасига, яъни ёзувлар, аввало, давлат тилида берилиши, кейин бошқа тилларға таржима қилиниши зарурлигиға амал қилинмаган. Албатта, ҳеч қим тараққиётға, рус ва инглиз тилларида берилаётган рекламаларға, хориқлик меҳмонлар учун тушунарли бўлган ёзувларға қарши эмас. Тўғри, хорижий тилларни ўрганиш ҳаммамиз учун керак, бу — давр талаби. Бироқ четдан кирган сўзларни ўринсиз ишлатавериш тил тараққиёти учун акс таъсир кўрсатиши мумкин. "Интернет", "компьютер", "лизинг", "маркетинг", "коллеж", "лицей", "модернизация", "флешка", "клик" сингари лексемаларнинг тилимизда қўлланилишининг қонуний асослари бор. Аммо бачкана, ўзбек тилиға ҳеч қачон ўзлашмай-диган сўзларни қўллаш, уларни ўз фирка ва корхоналари номига қўиш, реклама сифатида фойдаланиш қайси қондаларға тўғри келади?! "Бистроф", "Шеф Burger", "Чайхана Салом", "Магазин 1001 мелоч", "Главвус" каби номлар она тилимизни бойитиш учун эмас, аксинча, сийқалаштириш учун хизмат қилинган бошқаға ярамайди.

Ҳўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Агар хорижий тиллардаги сўзлардан фойдаланишға маълум бир чеклов қўйилса, ўз она тилимиздаги сўзлардан унумли ҳамда ўринли фойда-

ланишға эътибор кўнаярди. Реклама берувчи ёки реклама агентлиги хатоларға эътиборсизлик билан қараса, уни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора кўрма-са, фуқаролар қимға шижоат қилиши мумкин? Хатоларни бартараф қилиш масаласига бундай эътиборсизлик билан қараган реклама берувчи шахс ёки реклама агентлигининг хатти-ҳаракатларини менсимаслик ёки эътиборсизлик ва паст назар билан қараш деда таъриф-лаб, уларни маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинми?

Оқоридиға каби хатоларға қабул қилинган қонун ва қарорлардаги камчиликлар ҳам сабаб бўлмйпти, назаримизда. Чунки 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Реклама тўғрисида" ги Қонуннинг 5-моддасида ёзилишича, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳиши кўра бошқа тилларда тарқатилди". Шунинг учун ҳам бизда хорижий тилда исталганча реклама бериш, исталган тилда ном қўйиш авж олган. "Реклама тўғрисида" ги Қонуннинг 5-моддасида ёзилишича, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама берувчи ёки таъйирловчи зиммасига рекламанинг давлат тилида ва бошқа тилларда тўғри ёзилиши, яъни имло қоидаларига амал қилиниши мажбуриятини юклаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Барча реклама берувчилар, бюортмачилар учун экспертиза марказининг ҳулосасини олиш мажбурий бўлиши, ундан сўнг бюортма баҳарилиши керак. Шундагина бу муаммо бартараф этилади.

Демак, бу борада ҳам норматив ҳужжатларимизда айрим камчиликлар мавжуд. Муктасар айтганда, рекламаларда давлат тилидан фойдаланишдаги хатоларнинг олдини олиш "Давлат тили ҳақида" ги ва "Реклама тўғрисида" ги қонунлар орқали тартибга солинса, мақсадға мувофиқ бўлар эди.

Г. ҲУЛОМОВА,
Д. РАСУЛМУҲАМЕДОВА,
ТДЮУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доцентлари.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.